

АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ САРКАРДАЛИК ФАОЛИЯТИДАГИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАР

Ўралов Достон Рустамалиевич

Термиз давлат университети мустақил изланувчиси

UDK: 371.3+81-32/81-31

<https://orcid.org/0009-0007-2294-5370>

jurayevfarhod963@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада буюк соҳибқирон Амир Темурнинг ўз даврида пухта ўйланган режа, тўғри қарор билан амалга оширган йирик ва самарали тадбирлари тўғрисида маълумотлар берилган бўлиб, ушбу амалга оширилган тадбирларни ҳолисона муҳокама қилиб тўғри хулоса чиқариш билан ватанпарвар ёшларни тарбиялашда катта ўрин тутиши ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Саркарда, султон, хон, мўғул, Амир Темур, соҳибқирон, сипоҳ.

Аннотация: В статье представлена информация о крупных и эффективных мерах, принятых великим завоевателем Амиром Темуrom в его время, которые основывались на продуманном плане и правильных решениях, а также о важной роли этих мер в воспитании патриотической молодежи посредством их объективного обсуждения и формулирования правильных выводов.

Ключевые слова: полководец, султан, хан, монгол, Амир Темур, завоеватель, воин.

Annotation: This article provides information about the major and effective measures taken by the great conqueror Amir Temur in his time with a well-thought-out plan and correct decisions, and provides information about the important role that these measures play in educating patriotic youth by objectively discussing them and drawing correct conclusions.

Keywords: Commander, sultan, khan, Mongol, Amir Temur, conqueror, soldier.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ/INTRODUCTION). Бугунги кунда дунёнинг барча давлатларида ўз ватани учун керак бўлса жонини ҳам фидо қиладиган ёш авлодни тарбиялаш муҳим эътибор

қаратиладиган йўналиш ҳисобланади. Сабаби ҳаммага маълумки давлатни ташқи ёвлардан асраш, уни тинчлигини таъминлаш ҳамда уни кўкларга кўтариб ривожлантириш асосан ўша ердаги камол топаётган ёшларга боғлиқ.

Бу ўринда, яъни ёшларни чинакам ватанпарвар қилиб тарбиялашда тарихий жараёнлар ва уларда иштирок этган ватан қаҳрамонларининг ўрин бекиёсдир. Жумладан бугунги ҳақиқий ўзбек ўғлонларини тарбиялашда буюк соҳибқирон Амир Темурнинг шахсини ўрганиш катта натижалар бериш табиийдир. Амир Темур ҳазратларини тарих давомида катта саркардалардан тортиб давлат арбобларигача катта қизиқиш билан ўрганганлиги маълум. Чунки соҳибқирон сиймосида ҳали барчага ҳам маълум бўлмаган кўплаб сифатлар борлигини кейинги вақтларда амалга оширилаётган изланишлар натижаларидан ҳам билиш мумкин.

Биз ҳам юқоридаги асосларни инобатга олиб Амир Темурнинг амалга оширган тадбирларидан тўғри хулоса қилиб бугунги кунда таълим ва тарбияни йўлга қўйсақ албатта ўз олдимизга қўйган мақсадларимизга эришамиз.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Амир Темурнинг энг кўзга кўринган юксак ахлоқий сифатларидан бири кечиримлилиқдир. Буни соҳибқирон билан бўлган жуда кўп воқеаларда кўриш мумкин. Соҳибқироннинг 1402 йилда Усмонлилар халифалигига қарши юришида ушбу сифатлари ёрқин кўзга кўринади. Ушбу юриш манбаларда турлича келтирилган, лекин моҳияти бир хил. Тузукларда “Шундай бўлса ҳам мен қайсарнинг (ғайрат) ўтини аччик-чучук

билан сўндирмоқни маслаҳат кўрдим ва қайсарга мактуб йўлладим. “Еру кўкни яратган Тангри таолога чексиз шукрлар бўлсинки, етти иқлим мамлакатларининг кўпини менинг фармонимга киргизди ва олам султонлари ва ҳокимлари менга эгилиб, итоат қилиш ҳалқасини жон қулоқларига тақдилар. Ўз қадрини билиб, ҳаддидан ошмай жасорат оёқларини тийган бандасини Тангри ёрлақасин. Сенинг насли-насабинг ким эканлиги жаҳон халқи олдида маълумдир. Шундай экан, ҳолингга муносиб иш тутиб, журъат оёғини олдинга қўймаки, ранжу меҳнат балчиғига ботиб, бало чуқурига йиқилгайсан. Иқбол эшигидан ҳайдалган бир тўда иғвогар кишилар ғаразли ишларини бажариш учун сенинг паноҳингдан жой олиб, ухлаб ётган фитнани уйғотмишлар. Яна ўшаларнинг иғвоси билан офат ва бало эшигини давлатинг юзига очмагил. (Мазкур мактуб етиши билан) Қора Юсуфни менинг олдимга юборгил. Йўқ эса тақдир пардаси икки лашкар сафлари тўқнашганда юзингга очилғусидир”[1].

Юқоридаги келтирилган мактубда соҳибқирон турк султонларидан бўлган Боязид Йилдиримдан ўша вақтларда қароқчилик билан танилган туркманлардан Қора Юсуфни топшириши кераклиги айтилади. Шу воқеани Ҳамдам Содиқов “Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати”[2] асарида ҳам яхши ёритган. Бу пайтда ушбу мактубнинг ёзилишидан аввал Қора Юсуф билан Ироқ ҳокими Султон Жалойир биргаликда Макка ва Мадинани зиёрат қилиш мақсадида кетаётганларни мол – мулкни талаб, одамларни эса ўлдиришади. Ушбу воқеадан хабар топган Амир Темур қароқчиларни жазолаш учун кўшин тортиб боради. Султон жалойир ва Қора Юсуф Амир Темурдан қочиб Боязид Йилдиримдан паноҳ топади.

Боязид Йилдирим ҳам Амир Темурнинг борган сари қудратли бўлиб бораётганлигини гувоҳи бўла туриб, ҳасади келади унга фақат уруш учун баҳона керак эди холос. Уришиш учун катта сабаб керак эди. Сабаби Боязиднинг отаси вафот этишидан аввал унга ҳеч қачон туркларга

қарши, шу аснода Амир Темурга қарши курашмасликни, уларга қарши кўшни тортмасликни васият қилиб кетади. Шу сабабли Боязид Йилдирим Амир Темурга қарши уруш очмаётган эди. Юқорида биз таъкидлаб ўтгандек икки қароқчи Усмонлилар султони Боязид Йилдиримдан ёрдам сўради, султон эса уларни яхши кутиб олди ва Амир Темурдан ҳимоя қилишга ваъда берди.

Шу вақтда Амир Темур Боязид Йилдиримга мактуб ёзиб, Султон Жалойир билан Қора Юсуфни топширишини сўради. Боязид йилдирим эса ушбу талабга ғайритабиий жавоб қилиб, яъни Амир Темурни ҳақоратлаб жавоб йўллади. Соҳибқирон шу ҳолатда ҳам яна қайта Боязидга мактуб йўллаб уларни топширмаса уруш қилишга мажбур бўлишини айтади. Шу жойда биз соҳибқиронни кечиримли бўлганлигини ва душманларига ҳам имконият берганлигини кўриш мумкин.

Шу тариқа икки саркарда ўртасида уруш бошланади ва жанг Амир Темур ғалабаси билан якунланади. Амир Темур ғалабадан сўнг Боязид Йилдиримни тирик қолдириб унинг давлатини ўғилларига бўлиб беради.

Ушбу соҳибқироннинг кечиримлилиқ амалларини бундан ташқари жуда кўп воқеаларда учратиш мумкин. Ҳамма жуда кўп эшитган ўша машҳур “Лой жанги”да ҳам Амир Темур ғазабини жиловлаб қайноғаси Амир Ҳусайнни кечирган эди. Ўша жангда Амир Темур ва Амир Ҳусайн келишган холда иттифоқ тузиб жета лашкарларига Илійосхўжага қарши чиқишади. Шу жангда Илійосхўжа ёмғир ёғиши учун хизмат қиладиган афсунгарларни тайёрлаб, ўз кўшинини ҳам ёмғирда жанг қилиши учун шайлайди. Амир Темур кўшинлари шиддатли ва тўғри ҳаракатлари билан душманга катта талофат етказди. Шу вақтда Амир Ҳусайн ҳам жангга кириши ўз учун белгиланган қанотдан зарба бериши лозим эди. Лекин бахтга қарши Амир Ҳусайн бу жангда қатнашмасдан томошабин ролини ўйнади. Амир Темур қайноғаси Амир Ҳусайнга чопар йўллаб ғалаба яқинлигини ва амир

хам ўз қўшини билан жангга кириши лозим эканлигини билдиради.

Амир Ҳусайн эса лойда жанг қилмаслигини бу орқали лойга ботиш уни шаънига тўғри келмаслигини айтиб кибрга берилади. Ушбу жангда соҳибқирон ғалабага жуда яқин келган жойда енгиледи, жуда кўплаб сипоҳлари мағлуб бўлади ва ҳалок бўлади. Ушбу воқеада Амир Темур Амир Ҳусайнга нисбатан қаттиқ нафратланади, лекин кечирази ва аввалгидек унга муомала қилади.

Амир Темур ўз сипоҳларини саралаб олаётганда уч сифатга баҳо берган. Сипоҳнинг қилич ўйната олиши, ақл, жасурлик ва ростгўйлик, насл – насаби. Бу уч сифати бор сипоҳлар доимо Амир Темур учун ғалаба калити бўлиб хизмат қилган.

Бугунги кунда ҳам ушбу сифатлар ҳар бир ёшларда ва раҳбарда бўлиши жуда катта келажак кафолатидир. Амир Темурда ҳам ушбу сифатлар жуда яхши ривожланганлигини бир неча мисолларда билиш мумкин. Амир Темур икки қўл: ўнг ва чап қўлида ҳам қилични жуда ҳам усталик билан қўллай олган. Буни жуда кўп жангларда ўз исботини топилган. Ақл жиҳатидан ҳам юксак ўринда бўлган. Кўплаб давлатларни бўйсундиришда ҳам ушбу сифатни қай даражада ривожланганлигини билса бўлади. Жасурлик ва ростгўйлик ҳам юқори даражада камол топган. Буни бир неча жангларда ҳам соҳибқироннинг ўзи жангни бошлаб берганлигида ёки Туғлуқ Темур Мовароуннахрга бостириб келганда ҳам қўркмасдан олдиға пешвоз чиққанида ҳам кўриш мумкин.

Юқоридаги баён этилган воқеани ҳам агар таҳлил қилиб кўрсак. Чунончи, Чингизхоннинг набираси Туғлуқ-Темурхон Мовароуннахр мамлакатида босиб олиш қасдида қўшин тортиб, Хўжанд сувидан кечиб ўтгач, менга, амир Ҳожи барлос ва амир Боязид жалойир номига ёрлик жўнатиб, унинг ҳузурига боришимизни талаб қилганди. Улар мен билан кенгашидилар. Ўз эл-улуслари билан Хуросонга кетиш ёки, Туғлуқ-Темурхон олдиға бориш ҳақида маслаҳат сўрадилар.

Мен уларга шундай йўл кўрсатдим: Туғлуқ Темурхоннинг ҳузурига борсангиз икки, фойда, бир зиён бордир. Хуросон томонга ўтиб кетишнинг эса икки зиёни, бир фойдаси бордир, дедим. Улар менинг кенгашимга кирмай эл-юрти билан кўчиб Хуросон томонга кетдилар. Мен ҳам Хуросонга ёки бўлмаса Туғлуқ-Темурхоннинг олдиға бориш-бормаслигимни билмай иккиланиб қолдим. Шу ҳол асносида пирим (Тойбодий)дан маслаҳат сўраб хат ёзган эдим, ушбу мазмунда жавоб ёзиб юборибдилар: “Тўртинчи халифа ҳазрати Али ибн Абў Толибдан, унга тангрининг қараму марҳамати бўлсин, бир киши сўрабдики осмон – камон, ер – камон ипи, ҳодисалар ва офату кулфатлар эса ўқ бўлса, инсонлар ул ўқ –ёйларга нишон бўлса, отғучи – худойи таоло бўлса, унинг қудрати яна ҳам улўғ бўлсин, одамлар қаерга ҳам қочадилар? Халифа жавоб қилиб, одамлар тангрининг қошиға қочсинлар, — дебдилар. Шунга ўхшаш сен ҳам ҳозир Туғлуқ Темурхоннинг олдиға қочгил ва қўлидаги ўқ – ёйини тортиб олгил”[1].

Шу маслаҳатдан сўнг Амир Темур кўркмасдан Туғлуқ Темурхон олдиға борди ва унга пешвоз чиқди. Туғлуқ Темурхон ҳам соҳибқироннинг мардлигини кўриб уни хушвақт кутиб олди. Ҳаттокиб Туғлуқ Темурхон салтанат ишларида Амир Темурдан маслаҳат сўрайди ва уни маслаҳатларини оқилона эканлигини билиб ўз миннатдорчилигини билдиради. Мовароуннахр ҳукмронлигини Амир Темурга бериб ўзи Дашти Қипчоқдаги исёнчи амирларни бостириш учун кетади. Туғлуқ Темурхон ўзидан қочиб олдиға чиқмаган Ҳожи Барлос ва Боязид Жалойирларни тутиб олиб қатл этади. Мана ушбу воқеадан ҳам жасурлик, мардлик ва маслаҳатли тўғри тадбир қанчалик Амир Темурга зафар олиб келганлигини кўриш мумкин.

Амир Темурнинг ақл – заковати ҳам ўзига муносиб юқори даражада бўлган. Туғлуқ Темурхоннинг олдиға келётган вақтида хоннинг қўшинлари Мовароуннахрни барча жойларини

талашар, бундан халқ жуда катта талофат ва азият чекаётган палла эди. Ушбу ҳолатни тўхтатиш учун Амир Темур уларга турли совғалар бериб, уларни жирканч ишларидан тийиб қолган. Шундан сўнг хоннинг хузурига борган, амирларни ножўя ишлари эса хоннинг қулоғига етиб бориб, хон уларни барчасини лавозимидан озод қилиб қайтиб барча амирларни Мовароуннаҳрга боришни тақиқлаб қўяди. Ушбу воқеада соҳибқирон халқни талашдан ва мамлакатни тинчлигини қайтаришда катта ва тўғри тадбир кўрсатган.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки биз юқорида тилга олган Амир Темурнинг барча тадбирларидан керакли тавсияларни ишлаб чиқиш мумки. Соҳибқирондаги барча хислатларни ўрганиш ва ўзлаштириш уни давомчиси бўлган бугунги ёшлар учун мисли

кўрилмаган натижалар бериш табиий. Бугунги кунда барча ёшларда ҳам раҳбар ёшларда ҳам Амир Темурдаги кечиримлилик сифатини бўлиши ташкилотни бошқаришда яхши натижа бўлади. Сабаби инсоний шундай кечинма бор агар инсонни бир айбини кечириб унга тўғри хулоса қилишга имкон берилса, ўша инсон ўзини яхши томонлама кимлигини кўрсатишга ва жамоа учун ташкилоти учун бор кучини бериб ишлашга ғайратини сафарбар этади. Шунингдек соҳибқирондаги энг кўзга кўринган сифатлардан бири жасурлик сифатини ҳам мамлакат тараққиётида ўзига яраша катта ўрни бор. Агар ёш раҳбар бўлса ҳам унда жасурлик сифати камол топган бўлса, яъни бугунги кунда бир ишни қилишдан кўрқмасдан дадил қадам ташлаб ишга киришса қолганлар унга иккиланмай эргашади. Натижа эса кутилгандек бўлади.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):

1. Амир Темур. “Темур тузуклари” / мемуар асар / форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулла Караматов таржимаси / “Буюк давлатчилик силсиласи” туркуми – Т.: “Илм зиё заковат”, 2020. 144 б.
2. Содиқов Ҳамдам. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати. – Т.: “ART FLEX”, 2010 – 436 бет.
3. Калашников Исай. Шафқатсиз аср. М. Йўлдошев таржимаси. — Т.: Янги аср авлоди, 2023 – 672 б.
4. Амир Темур Кўрагон. Зафарнома. Араб алифбосидан Кирилл алифбосига ўгириш, сўзбоши, луғат ва изоҳ муаллифлари: Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А.Қуронбеков. – Тошкент, 2000. – 652 б.
5. Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли. Ўз аҳвол ва атвори, юриш ва қўшини, мусолиҳа ва муҳориба воқеъотини туркий луғат бирлан ёзган китоби (таржимаи ҳол). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи т.ф.д. Ашраф Аҳмедов. – Тошкент: Нур, 1992.
6. Амир Темур Кўрагон. Қиссаи Темур ("Малфузоти Темурий"). Араб алифбосидан кирилл алифбосига ўгириш, сўз боши, луғат ва изоҳ муаллифлари: Ҳ.Бобобеков, Ҳ.Бобоев, А. Қуронбеков. – Тошкент, 2000.
7. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Б.Аҳмедовнинг кириш сўзи, изоҳлари ва таҳрири остида. – Тошкент: Чўлпон, 1994.
8. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996.
9. Руи Гонсалес Де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура. (1403-1406 г.) Пер. со староисп. Предисл. коммент. И.С.Мироковой. – Москва: Наука, 1990.
10. Рахмоналиев Рустан. Империя Тюрков. Тюркские народы мировой истории. С X в. до н э по XX в. н.э. – Москва: Прогресс, 2002. – 912 с.